



XXI ASR

IJTIMOIIY - SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz @XXIasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

20 АВГУСТ – ТАДБИРКОРЛАР КУНИ



Вақтнинг югуриклигини қаранг: кўп эмас, оз эмас, бундан тўрт йилгина бурун давлатимиз раҳбари иштирокида бир гуруҳ тадбиркорлар билан очиқ мулоқот шаклидаги илк учрашув айнан 20 августда ўтказилган эди!

Орадан ўтган қисқа, лекин ғоят самарали кечган давр ичида бу соҳада инқилобий ўзгаришлар содир бўлганига барчамиз гувоҳимиз. Шу маънода куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти мустақиллигимизнинг 34 йиллиги байрамига қизгин ҳозирлик кўраётган халқимизнинг руҳиятини, қолаверса, минг-минглаб ушбу жабҳа вакилларининг кайфиятини янада кўтариб юборганига шубҳа йўқ.

Давлатимиз раҳбарининг айна мулоқот чоғида “Барча ислохотларимиз негизда, энг

аввало, инсон қадри, тадбиркорларимизнинг манфаатлари ётибди”, деган ёруғ сўзлари мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида улкан аҳамият касб этувчи қатламга қаратилган алоҳида эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлиб қолаверади.

Мазкур мулоқотга тайёргарлик жараёнида 26 та соҳанинг 7 мингга яқин вакиллари билан учрашувлар ўтказилгани, қолаверса, колл-марказ орқали 13 мингдан зиёд мурожаат ва ташаббуслар келиб тушганининг ўзи ҳам бу тарихий тадбирга бўлган қизиқиш қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади.

“Бугун шуни фахр билан айта оламизки, юртимизда яратилаётган ҳар бир иш ўрни, қад кўтараётган ҳар бир корхона, халқимиз оғирини енгил қилаётган ҳар бир хизмат, экспорт бўлаётган ҳар бир маҳсулот – сизнинг жасорат билан қилаётган меҳнатингиз, ташаббус ва

изланишингиз маҳсулидир”, деди давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида.

Таъкидланганидек, кечаги тадбир шунчаки анжуман эмас, давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган жонли ва самимий мулоқот майдонида айланди.

Албатта, шундай бўлди ҳам: юртбошимиз бу галги учрашув улкан бунёдкорлик ишлари бошланган Янги Тошкентда ўтаётганида рамзий маъно борлигини алоҳида таъкидлади.

Чин маънодаги очиқ ва ошқора, самимий мулоқот чоғида соҳадаги ўзгариш ва муаммолар атрофича таҳлил этиларкан, ўз навбатида тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес вакилларининг тўлақонли фаолият юритиши учун яна бир қатор имкониятлар, имтиёзлар санаб ўтилдики, бу ҳақда газетаимизнинг келгуси сонларида батафсил сўз юритамиз.

3

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Янги Ўзбекистон тараққиётини, истиқболини таъминлайдиган куч – бу **тадбиркорлар**. Давлатимизни бой қиладиган куч – бу **тадбиркорлар**. Халқимиз, оилалар ҳаётини фаровон қиладиган куч – бу **тадбиркорлар**.

ТАРИХИЙ ЯНГИЛИК



Маълумки, куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида тадбиркорлар билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Эътиборли томони, бу йил илгари кузатилмаган ҳолатга гувоҳ бўлдик: яъни ушбу учрашувда билдирилган таклиф ва вазифалар ўз аксини топган ҳужжат – “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон мулоқот ўтказилган кунгидея эълон қилинди. Айтиш мумкинки, ушбу амалиёт

тадбиркорлар учун ўзига хос тарихий янгилик бўлди. Негаки, тараққиётимиз драйверлари ҳисобланган қатлам вакиллари томонидан билдирилган таклиф ва ташаббуслар, тавсиялар шу заҳоти давлат раҳбари томонидан имзоланган фармонда ўз аксини топгани алоҳида таҳсинга лойиқ. Ўйлаймизки, ушбу жонли мулоқот давлат ва бизнес ўртасидаги ишончли кўприкни янада мустаҳкамлаш йўлида хизмат қиладиган.

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2025”

ЯНГИ ҒОЯЛАР ФАБРИКАСИ

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан ташкил этилган йирик лойиҳа – “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг энг чекка ҳудудларларидаги маҳалла ва овулларда бошланган дастлабки саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган фаоллар туман ва шаҳар босқичларида ҳам биринчилик учун беллашишди. Уларда ғолиб бўлган опа-сингиллар эндиликда энг ҳаяжонли ва қизгин паллада ўз билим ва малакаларини синаш учун бел боғлаб туришибди. Чунки танловнинг республика ҳудудий босқичига старт берилди ва айна кунларда ҳар бир вилоятда мутлоқ ғолиблик учун кураш қизгин давом этмоқда.

Давоми 2-саҳифада.

НОН ҲИДИ ТУТГАН МАҲАЛЛА

3.

ФУРСАТ ҒАНИМАТДИР...

4.

“ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ”-НИНГ ҒАЛАТИ УСУЛИ

5.



ЯНГИ ҒОЯЛАР ФАБРИКАСИ

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



Нукус шаҳар касбий кўникмалар марказида ушбу кўрик-танловнинг республика ҳудудий босқичи O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан юқори сифат ва байрамона руҳда ўтказилди.

Унда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўрин-босари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдулло Асонов, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзоси Руслан Сабилов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси кўмита раиси Шарап Отемисов ҳамда партия Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Сағиндқ Турманов сўзга чиқиб, мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги байрамига тайёргарлик ишлари қандай кетаётгани хусусида маълумот берди. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, айниқса аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муҳим ташаббус ва амалий ишларга алоҳида эътибор қаратишди.

Тадбирда халқ депутатлари шаҳар, туман ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, O'zLiDePнинг бошланғич партия ташкилотларидаги фаол хотин-қизлари, партия масъул ходимлари, эллиқдан ортиқ тадбиркор ва фермер аёллар, шунингдек, ҳамкор ташкилотлар – Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг республика бошқармаси, Фермерлар кенгаши, касаба уюмлари бирлашмаси ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.



Танловда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб деб топилган 17 нафар ишбилармон аёл ўз фаолиятига оид видеолавҳа ва кўргазмалари билан қатнашди. Улар миллий кийимларни тикиш билан шуғулланаётган цех раҳбарлари, 20 дан ортиқ турдаги нон маҳсулотларини ишлаб чиқараётган новвойлар, фермер хўжалиги эгалари, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритаётган ва бир неча хотин-қизини иш билан таъминлаётган илғор аёллардир.

– Танловда қатнашиш фақат ғалаба учун кураш эмас, балки ўзимга ишончни мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш, илҳом олиш имконияти бўлди, – деди Чимбой тумани “Исломбек-Албина” мебелчилик корхонаси асосчиси Абадан Утепбергенова. – Бу ерда ҳар бир иштирокчи ўз соҳасининг устаси, ҳар бири алоҳида муваффақият тарихига эга. Танловдаги атмосфера – ҳақиқий байрам, самимий муҳит, эътибор ва эътироф туйғуси ҳар бириимизни руҳлантирди. Биз тадбиркорликнинг янги босқичига қадам қўйдик ва янада катта мақсадлар сари илдамлашмиш!

Шунингдек, танлов доирасида ташкил этилган амалий мастер-класслар иштирокчилар учун нафақат янги билим олиш, балки уларни кундалик тадбиркорлик амалиётига самарали жорий этишда муҳим қадам бўлди. Машғулотларда гўзаллик салонини бошқариш сирлари, митти кўкатлари етиштириш усуллари ҳақида аниқ амалий тавсиялар берилди. Иштирокчилар бу билимлар орқали ўз бизнесларини янги босқичга олиб чиқиш имконига эга бўлиб, рақобатбардошлик ва даромадини оширишда катта имкониятлар очилди.

– Митти кўкатлар етиштириш ҳақидаги амалий машғулот мен учун янги йўналиш бўлди, – дейди Бөрүний туманида фермерлик фаолияти билан шуғулланаётган Наргиза Курбаниязова. – Бу кам-харж, аммо даромадли бизнес экан. Энди ўз фаолиятимга кўшимча равишда бу йўналишни ҳам бошлашни режалаштиряпман. Танлов мен учун фақат танишув ва кўргазма эмас, балки янги ғоялар фабрикаси бўлди.

Бу каби билимлар аёлларга нафақат ишонч, балки даромад манбасини диверсификация қилиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш имконини беради. Тадбиркор аёллар маҳорат сабоқлари уларга янги руҳ, янги ғоя ва амалий билим олиб келганини таъкидлашди.

Кўрик танлов натижаларига кўра 1-ўринга Амурдәр тумани Манғит шаҳридаги нон ва нон маҳсулотлари, сутни қайта ишлаш кичик корхонаси раҳбари, “MF food” ва “Amudaryo milky food” бренди асосчиси Дилдора Хайитбоева лойиқ деб топилди. Хўжайли туманидаги “Хатча мама” фермер хўжалиги раҳбари Тажибек Маткаримова 2-ўринни, Кегейли туманидаги миллий кийимлар тикув цехи бошлиғи Гулнур Пердебаева 3-ўринни эгаллади.

Танлов ғолиблари партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан ажратилган 6 миллион, 4 ва 2,5 миллион сўм миқдоридаги пул мукофотлари, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бундан ташқари, “Замонавий ташаббускор аёл”, “Йилнинг мурувватли ишбилармони аёли”, “Қишлоқни ижтимоий ривожлантиришда фаоллик кўрсатган фермер аёл”, “Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл” ва “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор” каби номинациялар бўйича ҳам ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, рағбатлантирилди.

Амангул ЕСЕМУРАТОВА,
O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши бўлим мудир

ХОРАЗМ



O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши томонидан ўтказилган республика ҳудудий босқичида шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 13 нафар ишбилармон аёл ўз фаолият йўналишларини намойиш этишди. Миллий кийимлар дизайни билан шуғулланувчи бренд эгалари, тикувчи, фермер ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида муваффақиятга эришган хотин-қизларнинг ҳар бири ўз ишидаги инновацион ёндашуви ва маҳсулот сифати билан иштирокчилар эътиборини қозонди.

Фахрли 1-ўринни Боғот туманидаги “Ўқтамбой Хуршида” оилавий корхонаси раҳбари Хуршида Бобоназарова қўлга киритди ва пул мукофоти, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



– Корхонамизда меҳнат қилаётган 20 нафар хотин-қизлар нафақат ўз оиласи даромадини таъминламоқда, балки жамиятимизда аёллар бандлигини оширишга ҳам ҳисса қўшмоқда, – дейди Хуршида Бобоназарова. – Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз Россия бозорига экспорт қилинаётгани, уларнинг ҳажми ҳар ойда 400 миллион сўмни ташкил этаётгани бу нафақат корхонамиз, балки бутун вилоятимиз иқтисодиёти учун ҳам ўзига хос улуш бўлмоқда.

Шунингдек, 2-ўрин – Қўшқўпир туманидаги “Хосиёни Жасур” фермер хўжалиги раҳбари Сайёра Тўраевага, 3-ўрин – гул босилган газламалар ва чокли буюмлар йўналиши бўйича яқка тартибдаги тадбиркор Меҳрибон Тангриевага тақдим этилди.

O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши
матбуот хизмати

СУРХОНДАРЁ



O'zLiDeP Сурхондарё вилояти кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан “Ишбилармон аёл – 2025” кўрик-танловининг республика ҳудудий босқичи ташкил этилди. Танловда туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 15 нафар тадбиркор хотин-қиз иштирок этди.

Дастлаб партия вилоят кенгаши раиси Алишер Рўзиев, “Аёллар қаноти” бўлими раҳбари Шоҳишта Алламуратова, ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан иборат ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг маҳсулотлари ва кўргазма намуналарини кўздан кечириб, уларнинг сифати ва бозордаги рақобатбардошлигига баҳо беришди. Шундан сўнг, ҳар бир иштирокчи ўзининг фаолияти, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари сифати, яратган иш ўрни бўйича тайёрлаб келган видеолавҳаси орқали маълумот беришди.



– 5 та йўналиш бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман, – дейди сариосиёлик ёш тадбиркор, “Sitara profession” МЧЖ раҳбари Ситора Ҳақимжоновна. – 34 нафар аёлни ишли қилдим, уларнинг 22 нафари имконияти чекланган. Биз асосан, ногирон болаларга кундузги парвариш хизматини кўрсатамиз. Ҳозирда ушбу хизмат бўйича тайёрлаган янги лойиҳамни Англия давлатида ҳам йўлга қўйиш бўйича шартнома имзоладим. Буларнинг ҳаммаси давлатимиз яратиб берган имкониятлар туфайли амалга ошяпти.

Ҳакамлар ҳайъати барча иштирокчиларнинг фаолиятига муносиб баҳо берди. Ниҳоят 1-ўринга – яқка тартибдаги тадбиркор Дилором Йўлдошева, 2-ўринга – “Sitara profession” МЧЖ раҳбари Ситора Ҳақимжоновна, 3-ўринга – “Норбек Алишер” фермер хўжалиги раҳбари Айбаҳор Жабборовна муносиб топилди.

O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши
матбуот хизмати

Конституциямизнинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти экани, Ўзбекистон ташқи сиёсат ботида низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципини асосланиши, 18-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилган.



Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Ўз навбатида давлатимиз мазкур принцип ва нормаларга содиқлигини ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда ўзининг амалий ишлари билан исботлаб келмоқда. Президентимиз Яқин Шарқда рўй бераётган мисли қўрилмаган фожиани ҳеч нима билан оқлаб бўлмаслигига ўтган йили Бишкекда ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти ва Қозон шаҳрида бўлиб ўтган “БРИКС+” саммитларида ҳам алоҳида эътибор қаратган эди.

Шунингдек, Шавкат Мирзиёев 2024 йилнинг 11 ноябрь кунини Фаластин масаласига бағишланган фавқуллодда араб-ислом саммитида иштирок этиб, тинчлик ва инсонпарварлик руҳидаги бир қатор ташаббусларни илгари сурган эди. Жумладан, Ўзбекистон урушдан жабр кўрган фаластинлик болалар ва аёлларни мамлакатдаги клиникаларда даволаш даволашга тайёр эканини билдирган эди. Ушбу ташаббуснинг

исботи сифатида эса фаластинлик ярадор аёллар ва болалар уларнинг ҳамроҳлари билан бирга юртимизга олиб келиниб, давлатимиз томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди, даволаниш ва соғлиғини тиклаш учун реабилитация марказлари ва шифохоналарга жойлаштирилди. Умуман олганда, уларнинг ҳаётга тўлақонли мослашувини таъминлашга кўмак берилди.

Ўтган ҳафтада юртбошимиз “Ўзбекистондаги бир гуруҳ фаластинлик фуқароларга давлат ғамхўрлиги, меҳр-шафқат таъминлаш асосида кўмак бериш тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга имзо чекди. Фармонда Ўзбекистондаги бир гуруҳ фаластинлик фуқароларга давлат ғамхўрлигини таъминловчи ишлар маҳалла даражасида бевосита “маҳалла еттичилиги” ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари то-

монидан ташкил этилиши кўрсатилди. Қолаверса, уларга ногиронликни белгилаш, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса фуқароларга бериладиган нафақа тайинлаш, ҳар ойда минимал истеъмол харажатлари миқдорида яшаш нафақаси жорий этиш, ҳар бир оилага яшаш манзили бўйича уй-жойнинг ижара харажатларини қўллаб-қўллаш, яшаш манзиллари бўйича уларнинг фарзандларини давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга жойлаштириш, бандлигини таъминлаш каби муҳим ижтимоий масалаларга қаратилган вазифалар белгилаб берилди.

Бундай инсонпарварлик ҳаракатлари Ўзбекистоннинг Яқин Шарқдаги моҳирони тинчлик ва дипломатия йўли билан ҳал қилиш тарафдори эканидан ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътирофи этилган принцип ва нормаларига содиқлигидан далолат беради.

Президентимизнинг фаластинлик фуқароларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони мамлакатимиздаги инсонпарварлик, бағрикенглик ва қардош халқларга ёрдам қўлини чўзиш анъаналарининг ёрқин ифодаси бўлди. Бу ҳужжат нафақат расмий қарор, балки бутун халқимиз номидан юборилган самимий ҳамдардлик ва биродарлик тимсолидир.



Маъруфжон РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

МЕҲР ВА БИРОДАРЛИК ТУЙҒУСИ

Фармон асосида қатор амалий чоралар белгиланди:

– ижтимоий қўллаб-қувватлаш – Ўзбекистонга келган фаластинлик оилалар учун уй-жой, озиқ-овқат ва маиший шарт-шароитлар яратилди, бу уларнинг ҳаётини қайта йўлга қўйишда дастлабки қадам бўлади;

– таълим имкониятлари – болаларни боғча ва мактабларга навбатсиз қабул қилиш орқали уларнинг билим олиш йўли очилди, келажакка ишончи уйғотилди;

– соғлиқни сақлаш хизмати – тиббий кўриклардан ўтказиш, зарур дори-дармон билан таъминлаш, тез тиббий ёр-

дам хизматларини ташкил этиш орқали соғлом турмушга қайтишга ёрдам берилади;

– бандлик ва касбий ривожланиш – ёшлар ва катталар учун касбий ўқув курслари, малака ошириш дастурлари ва ишга жойлаштириш имкониятлари тақдим этилади;

– маҳалла орқали кўмак – ҳар бир оилага ижтимоий ходим бириктирилиб, уларнинг эҳтиёжлари доимий равишда ўрганилиб, индивидуал ёрдам кўрсатилади.

Бу чора-тадбирлар нафақат моддий кўмакни, балки маънавий қўллаб-қувватлашни ҳам қамраб олади. Ҳар бир қадамда инсон қадрини, унинг орзу-интилишлари ва ҳа-

ётга бўлган ишончи устувор ўринда бўлади.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги тинчликсевар ва инсонпарвар сиёсатини яна бир бор намоён қилди. Биз дунё ҳамжамиятига шундай хабар беришимиз: эзгулик, бирдамлик ва ўзаро ёрдам – халқимиз ҳаёт фалсафасининг асосидир. Зеро, Президент фармони – бу шунчаки расмий ҳужжат эмас, балки халқимиз юрагиди меҳр ва биродарлик туйғусининг давлат даражасидаги ифодасидир. У орқали инсонларга қийин дамда ёрдам қўлини чўзиш, инсон ҳаёти ва қадрини эъзозлаш каби юксак қадриятлар амалда ўз ифодасини топмоқда.



ТАДБИРКОР – ЭЛГА МАДАДКОР

ШУКУХ

Нон ҳиди тутган маҳалла

Қишлоқларда аҳоли бандлигини таъминлаш ўта мушкулдек кўринади. Бироқ “Излаган имкон топади”, дейди халқимиз. Ички имкониятларни ишга солиб, аҳолини, айниқса, ёшларни тадбиркорликка йўналтириётган маҳаллалар ҳам юртимизда кам эмас.

Шароф Рашидов туманидаги Олмачи маҳалласида айни пайтда 1 442 та хонадонда 2 882 та оила (8 187 нафар аҳоли) истиқомат қилади. Уларнинг 1 255 нафари ёшлар.

– Олмачиликлар азалдан меҳнаткаш ва ишбилармонлиги билан воҳада тилга тушган, – дейди маҳалла раиси Сабоат Қосимова. – Тадбиркор эса уддабурон, изланувчан, кези келганда таваккалчи бўлиши керак. Биз шу хислатларга эга ёшларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдик. Улар эса оила аъзолари ва тенгдошларини эргаштиришларига ишончимиз комил эди.



6–7 кишининг тирикчилигига кўмак берапти. – Тадбиркорлик билан шуғулланишни бошлаганимда 19 ёшда эдим, – дейди Шаҳзод. – Аввал опам билан бирга вилоят марказидаги пишириқ цехида ишладик, тажриба орттирдик. Сўнг мустақил иш бошладим. 18 милли-

Турдикулова кўчат етиштириш билан шуғулланади.

– Кўчатчилик – кони фойда, – дейди у. – Болалигимдан уруғ қадашни, ундан униб кўкка бўй чўзаётган ниҳолларни кўрсам, кўнглим қувнарди. Бошқа ҳудудлардан келтирилган кўчат навларини кўрсам, уларни ўзимизнинг иқлимга мослаш, пайвандлашга жуда қизиқаман.

Дилнозанингомторқасида 3–4 хил гилос, нок, ўрик ва бошқа меваги дарахт навлари бор. Ажабланилиси, уларнинг барчасини ўзи етиштирган. Мавсум чоғи нафақат ён атрофдан, балки қўшни вилоятлардан ҳам айнан Дилнозанингом кўчатларини излаб келаётганлар бор. Хушчақчақ, ўзи машғул бўлган соҳа ҳақида соатлаб гапирадиган боғбон қиз оила аъзолари ва яқинларининг ҳам бандлигини таъминлабди.

Маҳаллани айланар эканмиз, бирорта бўш юрган одамни кўрмадик. Қурилиш, бунёдкорлик авжиди. Одамлар янги иморат сола-япти, уй-жойларини таъмирляяпти. Қурилишларнинг аксариятида ёшлар ишляяпти.

Гурун билан маҳалла идораси томон қайтарканмиз, димоғимизга тандирдан янги ўзилган ноннинг хушбўй ҳиди урилди.

– Айтганча, бу новвойхонада ҳам ёшлар ишляйди, – деб қолди шу ҳудуддан сайланган депутат Ғанишер Аваалбоев.

Халқ вакилининг ундови билан новвойхонага кириб, “ҳорманг-борманг” қилдик. Ғайрат Бозоровга тегишли бўлган бу новвойхонада ҳам, дарҳақиқат, асосан ёшлар ишлар экан. Иссиқ нондан татиб кўрдик. Мазаси оғзимизда қолди...

“Қаловини топсанг қор ёнади”, дейдилар. Тадбиркорлик қиламан деган одам ўз хонадони, ўз ҳовлисида ҳам даромад манбаини топса бўларкан. Бунинг учун фақат укув, меҳнат ва ҳаракат керак. Ҳаракатга тушган одамни эса жойларда маҳалла еттилиги вакилларида тортиб, қўллаб-қувватловчилар етарли.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири



Дарҳақиқат ғоя тезда ўз самарасини бера бошлади. Маҳалла ҳудудида 200 дан ортиқ аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўшган 25 нафар йигит-қиз хусусий, оилавий ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Жорий йилнинг ўзида улар сафига яна 7 нафар ёш тадбиркор қўшилди.

“Гулҳаё” ЯТТ раҳбари Шаҳзод Жўрақулов мана олти йилдирки, оила аъзолари билан бирга пишириқ тайёрлаш билан шуғулланади. Беш нафар кишини иш билан таъминлаб, яна

он сўм имтиёзли кредит олдим. Дастлаб осон бўлмади. Баъзан маҳсулотларимизга харидор тополмай, олибсотарларга сув текинга берган пайтларимиз ҳам бўлди. Бироқ айнан шундай қийинчиликлар одамни чиниқтирар экан. Синовларда обдон пишгачина ҳақиқий тадбиркорлик бошланар экан. Мана, цехимизни кенгайтириб, бугунги кунда ўн хил пишириқ тайёрляяпмиз. Даромад ҳам меҳнатга яраша, уй қурдик, тўйлар қилдик, машина олдик...

Маҳалладаги кўпчиликнинг тилига тушган тадбиркорлардан яна бири Дилноза

Халқимга таъзим қиламан!

Мадина КАСИМБАЕВА,
каштадўз, сўзана тикувчи уста,
“Дўстлик” ордени соҳибаси,
Тошкент шахри



Мустақиллик шарофати туфайли халқ амалий санъатининг ноёб дурдоналарини асраб-авайлаш ва қолаверса, ҳамон сақланиб қолган нодир турларини тиклаш имконияти пайдо бўлди. Унгача, қанчадан қанчасини бой бердик, йўқотдик, уларни бугун кинолар ё альбомлару айрим музейларда кўрсак ҳаяжонга тушамиз.

Шу маънода кейинги йилларда, айниқса энг машаққатли қўл меҳнати маҳсули бўлган каштачилик аъёналарини қайта тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади.

Масалан, қадимий сўзаналарнинг неча ўнлаб турлари сеҳрли қўллар ёрдамида қайтадан кўз очди, бугун доврўғи оламга ёйилмоқда.

Масалан, олайлик, чопонлар коллекциялари, аксессуарлар, интерьер буюмларини қайтадан яратиш осон кечди деб ўйлайсизми? Яратганга минг қатла шуқурки, юзлаб шоғирдларим кўмаги билан кўҳна Тошкент каштачилик мактаби уяналарини тиклашга эришганимизнинг ўзи улкан муваффақиятдир. Бугун бизнинг олтин қўлларимиз билан дунёга келавтган миллий каштачилик намуналаримиз АҚШ, Туркия, Буюк Британия, Франция, Германия, Ҳиндистон ҳамда қўшни давлатларда юксак қадрланаётганидан беҳад мамнунмиз.

Яна бир қувончли жиҳати, дунёнинг тур-

ли мамлакатларида ўтказилган ўнлаб кўргазма ва танловларда қатнашиб, энг юқори ўринларга сазовор бўлдик. 2023 йили ўша машҳур Британия музейида доимий экспозиция учун ўзим тайёрлаган иккита ижодий ишим харид қилингани алоҳида эътироф эмасми? Бу билан мен барча муваффақиятларга фақатгина ўзим эришдим десам тўғри бўлмайди. Чунки ҳеч қачон бу соҳада бир кишининг меҳнати билан донғи чиқиши мушкул. Менинг суяна-чиқларим, минглаб ишончли шоғирдларим билан ҳар қанча фахрлансам арзийди.

Давлатимиз раҳбарининг фармони билан Тадбиркорлар куни арафасида шундай юксак мукофотга лойиқ кўрилганим учун бизнинг камтарона меҳнатимизни қадрлаётган халқимизга ҳам таъзимлар қиламан!



Сайёт ҚОСИМОВ,
Когон туманидаги “Kogon Mars Piyus” МЧЖ раҳбари,
O‘zLiDeP фаоли,
“Шуҳрат” медали соҳиб

Очиғи, бундай юзма-юз, самимий ва дилдан суҳбатларни барча ҳамкасбларим қатори мен ҳам ҳар йили ўзгача интиқлик ва сабрсизлик билан кутаман. Негаки, айнан бу учрашувда кўнглимиздаги асосий режа ва мақсадларимиз бутун мазмун-моҳияти билан ўртага ташланади, мурожаат ва таклифлар жиддий таҳлил этилади. Кечаги тадбирни эса бир умр унутмасам керак.

Жамиятимиз аъзолари фаолияти асосан нефть-газ соҳасида ишлатиладиган ускуналарни таъмирлаш ва улар учун эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришдан иборатдир. Бугунги кунда корхонамизда 54 та иш ўрни яратилган бўлиб, йиллик айланма йилдан-йилга ошиб бормоқда. Агар 2023 йилда бу борадаги кўрсаткич 13 271,5 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йил охирига бориб, йиллик айланма 17 758,4

млн сўмга етказилди. Келгусидаги режаларимиз улкан: ишлаб чиқилган янги лойиҳага мувофиқ 2,20 гектар майдоннинг 2 900 квадрат метрида маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари барпо этила-миз. 50 млрд сўмлик лойиҳа ижроси таъминлангач, 120 та янги иш ўрни яратилиб, маҳаллий аҳоли вакиллари-нинг бандлиги таъминланади. Президентимиз иштиро-

кида ўтказилган бу йилги очиқ мулоқотда билдирилган ўрин-ли таклиф, ташаббус ва истиқболли ғоялар ва уларнинг амалдаги ижроси барча тадбиркорлар қатори мени ҳам ўз фаолиятимда янги марраларни қўлга киритишимга даъват этади. Айниқса байрамимиз арафасида Президентимиз фармонида кўра “Шуҳрат” медали билан тақдирланганим менга катта куч-қувват беради.

Ифтихор ЗИЁЕВ,
O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати,
“Grand capital” масъулияти чекланган жамияти директори



Дуолар ижобати

Бугунги кунда жамиятимизда 700 га яқин ишчи ва курувчилар фаолият кўрсатмоқда. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ ҳамда пойтахтимизнинг Яккасарой, Мирзо Улуғбек, Яшнобод ҳамда Сергели туманларида жами 8 та қурилиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Энг сўнгги замонавий лойиҳалар асосида турар-жой мажмуалари барпо этилди.

Одий мисол, Яккасарой тумани Шота Руставели кўчаси 142-142-А уйлар оралиғида қиймати 6 млрд сўмга тенг 48 хонадондан иборат 2 та 4 қаватли уйлар қуриб битказилгач, тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда уй-жой шароитини яхшилаш шарт бўлган оилаларга тақсимлаб берилди. Доноларимиз айтганларидек, халқнинг дуосини

олиш энг олий бахт саналади.

Эътиборли жиҳати, Бўстонлиқ тумани Чорбоғ шаҳарчаси Дўстлик маҳалласида дам олиш оромгоҳи ва меҳмонхона ҳамда Тошкент шахри, Яккасарой тумани Бобур кўчасидаги 63-уй ўрнида замонавий жаҳон қурилиш технологияларини жорий этган ҳолда 33 қаватли замонавий дўконлар, турар жой, ресторан ва меҳмонхоналар бунёд этиш лойиҳаси тасдиқланиб, қурилиш ишларига рухсатномалар олинган Бу эса, табиийки, қўшимча иш ўринларини яратиш, юқори касб малакаси ва улкан тажрибага эга мутахассислар билан жонажон юртимиз ободлигига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш йўлида хизмат қилаётган аҳил жамоамизни янада руҳлантиради.

Фурсатдан фойдаланиб, биз ҳам Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлашдек машаққатли вазифаларни шараф билан адо этаётган барча тадбиркорларни, жумладан, партияимиз электорати вакилларини ҳамда самарали меҳнатлари муносиб тақдирланган ҳамкасбларимни Тадбиркорлар куни билан самимий қутлайман!

Хурсандбек РЎЗМЕТОВ,
O‘zLiDeP Янгиариқ туман кенгаши раиси,
“Фаол тадбиркор” кўкрак нишони соҳиб



Камтарин меҳнатга катта мукофот

Тадбиркор учун иккита муҳим таянч керак: бири имконият, бири эса ишонч. Имконият – замонавий технологиялардан фойдаланиш, молиявий ресурслар ва бозорга кириш имкони, қонуний шарт-шароитлардир. Ишонч эса – давлат ва жамиятнинг тадбиркор меҳнати ҳамда маҳсулотига бўлган ишончидир. Бугун ушбу икки мезон ҳам бизда бор!

Ўзимдан қиёс: 2006 йилда Янгиариқ туманида беш нафар ишчи билан кичик ишлаб чиқариш цехини очган

эдик. Тинимсиз меҳнат ва сифатга қатъий риоя этиш натижасида бугунги кунда корхонамизда 60 нафардан зиёд ишчи-ҳодим фаолият юритмоқда. Хитой ва Германиядан олиб келинган замонавий ускуналар ёрдамида корхонамиз ҳар ойда ўртача 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ҳозирда ошхона ва ётоқхона мебеллари, темир эшиклар, МДФ ойналар ва юздан ортиқ турдаги маҳсулотлар тайёрланыпти. Уларга ички ва ташқи бозорда талаб катта.

Тадбиркорлар куни арафасида Президентимиз фармойишига биноан камтарин хизматларим учун “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланганимни эшитиб, бошиб осмонга етди. Ўйлайманки, бугун фойдот бутун жамоамиз аъзоларининг муқддий меҳнатлари учун берилган юксак баҳодир.

Унутилмас кун бўлди

ФУРСАТ ҒАНИМАТДИР...

ФАРҒОНАДАГИ МУАММОЛАРГА ҚАНДАЙ ЕЧИМ БОР?

Ислохотларнинг самарали бўлиши учун жойлардаги муаммоларга имкон қадар тез ва сифатли ечим топиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда. Бу борада кундан-кунга сиёсий кучларнинг фаоллиги ортиб бораётгани ҳам қувонарли ҳол. Хусусан, **О‘зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ақтам Хайтов бошчилиги қилаётган ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда вилоят ва туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аҳоли ўртасидаги долзарб масалаларни чуқур ўрганиб, аниқ таклиф ва ечимларни ўртага ташламоқда.**

Айниқса ушбу саҳифани тайёрлашда бизга **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Мавлуда Ибрагимованинг беҳимнат қўмагини алоҳида таъкидлашни истардик. Чунки бу фидойи вақлаими Фарғона вилоятида қатор соҳалар бўйича амалга оширилаётган ислохотлардан яхшигина хабардор ва ўз навбатида учраётган айрим муаммоларга ечим топишда ҳам куйинчаклик билан ёндашмоқда.**

Мисолларга мурожаат қилайлик: Фарғона вилоятининг Ўзбекистон, Бешарик ва Фурқат туманларида 110 кВ-ли “Л-Я-Уз” узатиш тармоғи орқали 32 мингдан ортиқ аҳоли ҳамда 2 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари электр энергияси билан таъминланмоқда. Бироқ сўнгги тўрт йилда ушбу тармоқ 80 фоиз меъёрий юкламадан ошиб, 102 фоиз даражада ишламоқда. Бу ҳолат техник жиҳатдан жиддий хавф тўғдиради. Чунки электр таъминотининг узлуксизлигини таъминлаш учун тармоқ белгиланган ҳажмда ишлаши шарт.

Юкламадан ортиқ ишлаш натижасида охириги 1,5 йил ичида мазкур тармоқда уч марта авариявий ўчиш содир бўлди, 12 марта чекловлар жорий этилди. Бу жараёнлар аҳоли ва тадбиркорлар фаолиятига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, 437 та мурожаат келиб тушишига олиб келган. Электр энергиясининг барқарор етказиб берилмаслиги аҳолининг кундалик ҳаётида қийинчиликларни юзага келтирмоқда, ишлаб чиқариш жараёнларининг самарадорлиги пасаймоқда.



Бу муаммони ижобий ҳал этиш учун “Л-Я-Уз” тармоғидаги юкламани камайтириш долзарб вазифага айланди. Бунинг учун 220/110/10 кВли “Узғариш” подстанциясида янги “ячейка” ўрнатилиши ва тегишли электр тармоқлари барпо этилиши керак. Бу мақсадда республика бюджетидан 28 миллиард сўм маблағ ажратиш зарур. Маблағ ўз вақтида ва мақсадли сарфланса, тармоқ юкламаси меъёрга келтирилади, ишдан чиқиш ҳолатлари сони қисқаради ва электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш мумкин бўлади.

Бу инвестиция энергетика тизимини модернизация қилиш билан бирга, аҳоли ва тадбиркорлар ҳаёт сифати-га ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Муаммони самарали ҳал этиш орқали Фарғона вилоятида иқтисодий фаолиятнинг барқарор ривожланишига замин яратилади. Шу боис мазкур таклифни амалга ошириш нафақат айрим туманларнинг, балки бутун вилоятнинг энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлайди.

Энергетика соҳасидаги мазкур масаланинг долзарблиги ва унинг тезкор ҳал қилиниши аҳоли ҳамда давлат учун муҳим эканлиги яна бир бор таъкидланиши лозим. Чунки электр таъминоти барқарор ва ишончли бўлмаган жойда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳақида сўз юритиш мушукул. Шу боис давлат ва жамоатчилик ушбу соҳадаги муаммоларни зудлик билан бартараф этишда бирлашиши зарур.

ЕР ТОИФАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ – КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАС ВАЗИФА

Қурилиш бугунги ислохотлар жараёнида нафақат иқтисодий ўсишнинг, балки аҳоли фаровонлигининг ҳам асосий пойдеворларидан бирига айланди. Аммо турли ҳудудларда олиб борилаётган кенг кўламли қурилиш ишлари давлат ер сиёсати билан узвий боғлиқ ҳолда юритилмаётгани шаҳарсозликда жиддий тўсиқлар ва тўхталишларга олиб келмоқда. Хусусан, ер тоифасини ўзгартириш билан боғлиқ жараёнларнинг чўзилиши нафақат қоғозларда, балки аҳоли ҳаёти ва келажак инвестиция салоҳиятида ҳам салбий акс этмоқда.

Қувасой шаҳрининг Пакана маҳалласида шаҳар ҳокимлиги захирасидаги 19,6 гектар қишлоқ хўжалиги ер

майдонида 24 та кўп қаватли уй қурилиб, 506 та хонадон фойдаланишга топширилган. Аммо ушбу ернинг расмий тоифаси аҳоли пункти сифатида ўзгартирилмагани туфайли, мактаб, боғча, маҳалла маркази каби ижтимоий инфратузилмаларни қуриш мумкин эмас. Гарчи, 2018 йилда Вазирлар Маҳкамаси баёни, Қурилиш вазирлиги буйруғи ва Халқ депутатлари кенгаши қарори билан барча ҳуқуқий асослар яратилган бўлса-да, ер мақомининг ўзгартирилмаслиги натижасида бутун лойиҳа тўхтаб қолган.

Қува туманида ҳам давлат раҳбарининг 2025 йил 1 апрелдаги қарорига асосан “Янги Ўзбекистон” массивини ташкил этиш бўйича кенг қамровли дастур амалга оширилмоқда. Турк маҳалласидаги 11,7 гектар ерда жами 17 та кўп қаватли уйдан 14 таси фойдаланишга топширилган. Қолган 3 та уйни қуриш, шунингдек, “Шербўтаев” массивидаги 1413-қ контурда 23 та қўшимча уй ва ижтимоий инфратузилмаларни барпо этиш учун ернинг тоифаси ҳалигача ўзгартирилмаган.

Бу каби муаммоларни ҳал этишда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги каби юқори давлат органлари томонидан ташаббускорлик ва тезкор қарорлар қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Чунки ер тоифасини ўзгартириш масаласи фақат ҳужжат эмас, балки реал ҳаётга, инфратузилмага ва жамоат эҳтиёжларига бевосита таъсир қилувчи механизмдир.

Шу сабабли Пакана маҳалласидаги 19,6 гектар ва Турк маҳалласидаги 11,7 гектар қишлоқ хўжалиги ерларининг аҳоли пункти мақомига ўтказилиши кечиктириб бўлмас вазифадир. Бу қарор юзлаб оилалар учун уй-жой, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий хизматлар эшигини очади. Шу билан бирга, меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлаш, шаҳар инфратузилмасини мувозаңатли ривожлантириш имкониятини яратади.

ДХШ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМАСА...

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) тизими мамлакатимизда инфратузилмани ривожлантириш ва хусусий секторни ислохотларга жалб этишда муҳим механизм бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу тизим хусусий капиталнинг ижтимоий аҳамиятга эга соҳаларига кириб боришига йўл очиб, давлат юқини енгиллаштириш ва хизматлар сифатини оширишга ҳисса қўшмоқда.

Бироқ ҳозирги ҳуқуқий ва институционал тартибдаги маъмурий чекловлар, хусусан, юқори қийматли лойиҳалар бўйича марказлашган қарор қабул қилиш жараёни ҳудудий ташаббусларни сусайтирмоқда, инвесторлар фаоллигини пасайтириб, имкониятларни йўқотишга олиб келмоқда.



Айни пайтда, қиймати 1 миллион АҚШ доллари-гача бўлган ДХШ лойиҳаларини маҳаллий давлат органлари мустақил тасдиқлай олади. Бу кичик ва ўрта бизнес учун қулай шароит яратса-да, йирик, стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар учун самарасиз механизм бўлиб қолмоқда. Чунки 1 миллион доллардан юқори лойиҳалар марказий органлар томонидан кўриб чиқилади, бу эса узоқ муддат ва бюрократик тўсиқларга сабаб бўлмоқда.

Шу муносабат билан, вилоят ҳокимликлари-га 10 миллион долларгача бўлган ДХШ лойиҳалари концепциясини мустақил тасдиқлаш ваколатини бериш мақсадга мувофиқ. Бу орқали:

- маҳаллий ташаббуслар тез ва самарали амалга оширилади;
- инвесторлар билан мулоқот кучайиб, ишонч муҳити шаклланади;
- қарор қабул қилишдаги ортиқча узилишлар бартараф этилади;
- маҳаллий эҳтиёж ва имкониятларга мос лойиҳалар жадал амалга оширилади.

Чунки ҳудудлардаги мутахассислар ва жамоатчилик лойиҳаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини яхши билади. Марказий идоралар эса ҳар доим ҳам маҳаллий ша-роитларни тўлиқ ҳис эта олмайди.

ДХШ – бу фақат шартнома эмас, балки давлат ва бизнес ўртасидаги ишонч, жавобгарлик ва натижа-

га йўналтирилган ҳамкорлик маданиятидир. Шу боис, маҳаллий ҳокимиятларга кенгроқ ваколат бериш орқали биз иқтисодий фаоллиқни кучайтира-миз, янги иш ўрин-лари яратишга ва инфратузилмани ривожлантиришга за-мин яратамиз.

Ёш авлоднинг билимли ва етук фуқаро сифатида шаклланиши учун муносиб таълим шароити яратиш – устувор вазифа ҳисобланади. Таълим муассасалари – фақат билим маскани эмас, балки боланинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ривожланиши ва масъулиятни ҳис эти-шига хизмат қилувчи муҳитдир. Шу боис, таълим объект-ларининг техник ҳолати, қулайлиги ва хавфсизлиги дав-лат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида қаралиши зарур.

Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Риштон, Қува, Бағ-дод ва Фарғона туманларида жойлашган 6 та таълим муассасасини таъмирлаш ва қуриш талаб этилмоқда. Жумладан, Олтиариқ туманидаги 36-сонли МТТ рекон-струкция қилиниши, Риштондаги 28-сонли боғча мукам-мал таъмирланиши, Қува туманида эса янги боғча қури-лиши режалаштирилган. Шунингдек, Бағдод ва Фарғона туманларидаги бир неча мактабларни тубдан таъмирлаш зарурати мавжуд.

Айни пайтда ушбу муассасаларда ўқув жараёни давом этмоқда. Бироқ инфратузилманинг эскирганлиги, хавф-сизлик талабларига жавоб бермаслиги таълим сифати-га салбий таъсир кўрсатмоқда. Бошланғич таълимда бола-



нинг жисмоний ва психологик ҳолатига мос муҳит яратиш нафақат бола, балки ота-она ишончи учун ҳам муҳим.

Мазкур лойиҳалар учун 40 миллиард сўм маблағ талаб этилади. Бу маблағларни манзилли ажратиш ва самарали ўзлаштириш таълим муҳитини яхшилашга хизмат қилади. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг молиявий кўмаги бу борада ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДАГИ БЎШЛИҚНИ ТЎЛДИРИШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

Болалик – инсон ҳаётидаги энг масъулиятли босқич. Айни пайтда Фарғона вилоятининг 8 та маҳалласини мак-табгача таълим ташкилотлари қамраб олмагани ишчи гу-руҳни хавотирга солади. Бундай ҳолат ота-оналарнинг иш билан бандлик пайтида болаларни ишончли муассасага юбориш имконини келтирди, бу эса ижтимоий барқарор-ликка ҳам таъсир кўрсатади.

Олайлик, Ёзёвон, Фарғона, Қўқон, Қувасой ва Бувай-да ҳудудларидаги бир неча маҳаллаларда боғча мавжуд эмас. Вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси томонидан бу борада 95 та маҳаллада 4 750 ўринли оила-вий нодавлат боғчалар ташкил этиш режалаштирилган. Аммо рўйхатга қамрови юқори бўлган маҳаллалар ҳам ки-ритилган. Шу боис эҳтиёж юқори бўлган 8 та маҳалланинг ушбу рўйхатга киритилиши мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Ҳўш, бу масаланинг самарали ечими борми? Гап шундаки, ушбу ҳолатда ҳу-дудлардаги тадбиркорлар кўмагида 25–50 ўринли оилавий боғчаларни ташкил этиш энг самарали муқобил ечим бўла олади. Мавжуд норматив-ҳуқуқий база ва солиқ имтиёз-лари бу жараён учун мустаҳкам пойдевор бўлгани ҳолда, давлатнинг ташкилий ва молиявий кўмаги эса хусусий сек-торни фаоллаштиришга олиб келади. Зеро, мактабгача таъ-лим – бола ривожига энг муҳим палла эканлигини унут-маслик зарур. Шунга ҳар бир боланинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш – таълим тизими ва маҳаллий ҳокими-ятлар зиммасидаги долзарб вазифадир.

БЕДОР ҚАЛБЛАР ОҒРИҒИГА ЕЧИМ БОРМИ?

Инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойиллари устувор бўлган бугунги ислохотлар даврида жамиятнинг энг нозик қатлами – ёш оилалар ва уларнинг оғир хаста-лика чалинган фарзандларини эътибордан четда қолдир-маслик ўта муҳим жараён ҳисобланади.

“Ёшлар дафтари” тизими айнан шундай оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса-да, амалиётда му-айян ҳуқуқий бўшлиқлар айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Фарғона вилоятида 522 та ёш оила борки, улар оғир хасталикка чалинган 14 ёшгача бўлган фарзанд-ларини давлатишда моддий қийинчиликлар сабаб ожиз қолмоқда. Аммо амалдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди бу ҳолатларга аниқ ёндашув белги-



ланмагани сабабли, улар “Ёшлар дафтари” орқали ёрдам олиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолмоқда.

Ҳар бир кечиккан қарор – бир бола ҳаёти ва бир оиланинг умиди сўниши эканини унутмаслигимиз керак. Шу сабабли, “Ёшлар дафтари” жамғармаси орқали 30 ёш-гача бўлган ёш оилаларнинг бемор фарзандларини даво-лаш учун субсидия ажратиш тизимини жорий этиш таклиф этилади. Мабағ микдори 50 баробар БҲМ — 15 миллион сўм этиб белгиланиши мумкин.

Бу молиявий ёрдам эмас, балки юракларга таскин, ҳаётга умид ва келажакка ишончдир. Давлат учун эса ҳар бир соғлом бола – эртанги мутахассис, фидокор фуқаро демакдир. Шу боис, мазкур таклиф ҳуқуқий асослан-тири-либ, амалга жорий этилиши кечиктириб бўлмайдиган вази-фа ҳисобланади.

ОНА ВА БОЛА ҲАЁТИ МУҚАДДАС

Фарғона вилояти туғруқ муассасаларидаги 20 та бў-лимда шифо ўринлари етишмаслиги жиддий муаммога ай-ланмоқда. Стандарт бўйича 320 кун бўлиши лозим бўлган бандлик кўрсаткичи иш ўрни етишмаслиги сабаб 400 кун-гача етиб, ҳар бир ўринда бир неча беморга хизмат кўр-сатилмоқда.

Муаммони ҳал этиш учун ҳудудда камида 483 та қў-шимча шифо ўринлари жойлаштириш зарур. Бу нафақат беморларнинг муносоиб шароитда даволанишини, балки тиббий хизмат сифатининг ошишини ҳам таъминлайди. Мутасаддилар моддий база, кадрлар ва инфратузилма-ни мустаҳкамлаш бўйича тезкор чоралар қуриши лозим.

Тизимдаги иккинчи долзарб муаммо – ботулизмга қар-ши зардоб етишмаслиги ҳисобланади. Вилоятда ҳар йили А, В ва Е турдаги ботулизм зардобига бўлган эҳтиёж 420 биодозани ташкил этади. Аммо ушбу препаратлар мамла-катда йўқлиги ва уларнинг импорт нархлари юқорилиги са-бабли амалда таъминланмапти. Бу эса ҳаёт ва ўлим маса-ласига айланмоқда.

Шу боис, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, экспорт-им-порт ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлиги-да тезкор “йўл харитаси” ишлаб чиқи-лиши талаб этилади. Импортни енгиллаштириш, захира-лар яратиш ва молиявий механиз-мларни фаоллаштириш орқали бу муаммо ҳал эти-лиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Фарғона вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараё-нларини таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ва уларга аниқ ечимлар таклиф этиш орқали маҳаллий тараққиётни тезлаштириш имкони яққол кўринмоқда. Мақолада кўтарилган асосий масалалар – электр таъминотидаги узилишлар, ер тои-фасини ўзгартиришдаги бюрократик тўсиқлар, таълим ва тиббиёт инфратузилмасидаги етишмовчиликлар, ДХШни самарали йўлга қўйиш зарурияти ҳамда ёш оилалар ва бо-лаларни қўллаб-қувватлаш – барчаси айни вақтда ҳал эти-лиши зарур бўлган муҳим вазифалардир.

Муаммоларнинг илдизига етиш, уларни аниқ ҳи-соб-китоблар ва амалий чоралар орқали бартараф этиш учун давлат ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги, маҳаллий ташаббусларга кенг йўл очиш, ҳуқуқий механизмлар-ни соддалаштириш ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Бунинг натижасида аҳоли-нинг турмуш даражаси, ишонч ва фаоллиги ортади, ҳу-дудда барқарор ривожланишга мустаҳкам замин ярати-лади.

Мақолада берилган таклиф ва ечимлар бутун респу-блика миқёсидаги ислохотлар жараёнида намуна сифатида хизмат қилиши мумкин. Зеро, ҳақиқий тараққиёт – муам-мони танийдиган, ечим таклиф қиладиган ва амалга оши-радиган фаол фуқаролик позицияси билан уйғун ривожла-нади.

Саҳифани О‘зЛиДеР ишчи гуруҳи томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида “XXI asr” муҳбири Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.

“ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ”НИНГ ҒАЛАТИ УСУЛИ

...Бир ярим ой олдин пойтахтга йўловчи поездда келганимда ҳамхонам – вилоятдаги тижорат банкларида бирида масъул вазифада ишлайдиган йигит журналист эканлигини билгач, дарду ҳасратларини тўкиб солганди. Унинг афсусланиб айтишича, аҳолиси нисбатан кам, кичикроқ бир туманда ишсизлиқни тугатиш дастурини амалга ошириш уларнинг зиммасига юклатилган. Банк ходимлари бир неча ҳафта туманда уйма-уй юриб, вақтинча ишсизлар сонини, уларнинг ижтимоий аҳволини, касбу корини обдон ўрганишган. Аниқланган вақтинча ишсизлар сони оз эмас, ўн мингдан ошар экан.

Дастур ижроси қандай бажарилганини у шундай ҳикоя қилди: “Бизлар ўтказилган мониторинг натижасини умумлаштириб, тегишли тартибда масъул ташкилотларга етказдик. Шу билан елкамизга юклатилган вазифа бажарилди, деб ўйлагандик. Қайда, энг қизиги кейин бошланди. Бизга рўйхати шакллантирилган вақтинча ишсизларни “ўз-ўзини банд қилган шахс” мақомида рўйхатга олиш ва ҳар биридан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан пул йиғиб, банкка топшириш вазифаси юклатилди. Ўзи ишсиз бўлса, ўша пулни қаердан олади, деб сўрайдиган одам йўқ. Яқиндагина учрашиб, уларни иш билан таъминлаш дастури тайёрланаётганини айтиб қувонтирганимиз бор. Энди эса уларга қайси юз билан тушунтирамиз?...”

Қолган машамашлар тафсилотини айтар экан, у ғалати воқеаларни келтирди: “Шахсий автомашинаси борларига киракашлик таклиф қилинди, лицензия берилди. Улар ўша пулни тўлашди. Бошқалари учун эса ходимлар ўз чўнтагидан тўлашга мажбурланди. Нима қилайлик, иш ўрнимизни йўқотмаслик учун тўлашга мажбур бўлдик...”

Маълум бўлишича, ана шундай усул орқали “дастур тўла бажарилгани ҳақида” юқорига маълумот берилган!

Энди ўзимдан эшитинг: учинчи ўғлим ва келиним вақтинча ишсиз. Улар дунёга келган тўнғич фарзанди учун “бола пули” олиш ниятида маҳалла фуқаролар йиғинига бориб, тегишли тартибда ариза беришди. Бирор ҳафтадан сўнг уларга оилавий даромадлари етарли бўлгани учун “болалар нафақаси” берилмаслигини айтишибди. Маълум бўлишича, келиним **ярим йилдан буён тумандаги бир ташкилотда ишчилар рўйхатида экан**. Тасаввур қилаяписми, келин бўлиб тушганидан буён уйимиздан чиқмаган инсон ишчи эмиш! Яна денг туман марказидаги бир корхонада. Маҳалла фуқаролар йиғини раисига “Бу қонунбузилиш – сохтагарчиликнинг тагига етаман!” деб огоҳлантирганимдан икки кун ўтиб, келинимнинг қўл телефонига “Сиз ўз ихтиёрингиз билан ишдан бўшадингиз” деган мазмундаги хабар келибди!?. Мен не дейман, қўбизим на дейди?

Кейин маълум бўлдики, маҳалла раисларига ҳудуддаги вақтинча ишсизларни иш билан таъминлаш бўйича

ЁХУД СОНДА БОРУ СИФАТДА ЙЎҚ “ЎЛИК ЖОНЛАР” КИМГА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ?

ҳар ойда топириқ берилар ва улар корхона-ташкилотлар, фермер хўжаликлари билан ўзаро тил бириктириб, қанчадир сондаги ишсизларни шу тахлит рўйхатга тиркашиб, “иш билан таъминланди” деб сохта маълумот беришар экан. Ўша, ўзи билмаган ҳолда қай бир ташкилотда “ишлаётган” фуқароларга албатта маош ёзилади ва ёлғондакам имзо қўйилиб, қанчалаб маблағ кимларнингдир чўнтагига кириб кетади. Ўша ташкилотларнинг аксари хусусий корхоналар, албатта. Бу ҳолатда тадбиркор ўз маблағини ўнг чўнтагидан олиб, чап чўнтагига солиб қўяди. Яъни, давлат маблағига кўз олайтирмайди. Ва яна солиқ ҳам тўлайди.

Бундан кимга фойда, кимга зарар? Эл-элatchилик деган қадим қадрият сабаб бундай кўз-бўямачиликни содир этган масъуллар устидан ҳуқуқ органларига мурожаат қилмадим. Ўйладимки, иложсизликдан рўй берган бир-икки ҳолат бўлиши мумкин. Аммо...

Яқинда Президентимиз раислигида олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича кенгайтирилган йиғилишда келтирилган рақамларни кўриб, яна унут бўлаётган ўша сохтагарчиликлар ёдига тушди.

Қайд этилган рақамлардан маълум бўлишича, бу йил юртимиздаги олий ўқув юртларини тамомлаган битирувчиларнинг 231 минг нафаридан 126 минг нафари ишга жойлашган. Бир қараганда қисқа фурсатда йигит-қизларнинг ярмидан кўпроғи ишга жойлаштирилгани қувонарли ҳолат. Аммо минг афсуски, бу ерда ҳам юқорида эслатганимиз каби кўзбўямачилик ҳолатлари мавжуд, яъни гўёки уларнинг 42 минг нафари ўзини ўзи банд қилган...

Шу ўринда олий маълумотли мутахассис ўзини ўзи қандай банд қилиши мумкин, деган савол туғилади. Қурилиш, техника соҳаси бўйича мутахассис-муҳандислар кичик корхона, айтийлик, автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчаси ёки цех очилшари мумкиндир, лекин педагогикага ихтисослашган олий даргоҳларни тугатганлар қандай қилиб ўзини ўзи банд қилади? Уйда репетиторлик қиладими? Бунда ҳам уларга кўп йиллик тажриба зарур бўлмайдими?

Тахмини ожизимизча, қишлоқ туманларида олий маълумотлилар (шаҳар жойларида иш топиш нисбатан осон эканлигини инобатга олсак)ни иш билан таъминлашга масъуллар мавжуд бўш иш ўринларини мониторинг қилиш, янги иш ўринлари яратиш ўрнига “синалган эски усул” билан вазиятдан осон чиқиб кетиш йўлини таллашган кўринадди.

Давлат раҳбари ўша селектор йиғилишида бу борада бундан кейин ўз-ўзини банд қилиш каби яроқсиз усулларга қатъий барҳам берилишини таъкидлагани бежиз эмас ва бундай сохтагарчиликка йўл қўймаслик учун масъуллар ҳам жиддий огоҳлантирилган.

...Ушбу мақолани тайёрлаётганимда бир қурилиш фирмасида ҳисобчи бўлиб ишлаётган танишим билан тасодифан суҳбатлашиб қолдим. У жуда ғалати ҳолатни айтиб қолди: “Ўзим шартнома асосида ишлайман. Ҳар ойнинг иккинчи ярми бошланганида ойлик ҳисоб-китоб ишлари-



ни бажараман, солиқ идорасига ҳужжатлар тайёрлайман, ойлик маош ва бошқа тўловларни ҳисоблайман. Фирмада эллиқдан ортиқ одам ишлайди. Яқинда навбатдаги ой учун ҳисоб-китобларни ишлай десам... не кўз билан кўрай-ки, фирмага ўтган икки ҳафтада 440 одам ишга олинди. Ҳайрон бўлдим. Чунки пудрат асосида олган иш ўлчамини бажариш учун бунча ишчи кучи шартмас! Фирма раҳбари-га бу ҳақда эслатсам, у жиғибийрон бўлганча, “Нима қилай, оғайни, ҳокимликдан шу рўйхатни бериб, шу одамларни бир ой ишчилар рўйхатида сақлаб туришимни айтишди. Ўзтироз билдирсам, эртага тендерга қўйишларимайди”.

Мен директорга “рўйхатда бору ўзлари йўқ одамлар”-га амалдаги қонунга биноан ҳеч бўлмаганда энг кам ойлик иш ҳақи миқдориде маош ёзиш кераклиги ва ундан тегишли тартибда солиқ тўлаш шартлигини эслатдим. У бўлса иложим йўқ дегандек бош чайқади. Охири бир ойдан сўнг уларни “ишга муттасил келмагани”, баъзиларини эса “ишга кириш учун аризаси йўқлиги учун” деган турли баҳоналар билан ишдан бўшартвордик. Энг ёмони, ҳозирда бундай кўз-бўямачиликларга қўл уриш аксар корхона ва ташкилотларда одатий ҳолга айланган”...

Эсимда, бундан йигирма йилча аввал фермер хўжалиги раҳбари бўлганимда коллежлар раҳбарлари уч-тўрт нафар битирувчиларини вақтинча ишга олишни сураб ил-

тимос билан келишарди. Амакимнинг ўғли қишлоқдаги коллеж директори ўринбосари бўлиб ишлагани учун унинг илтимосига йўқ дея олмасдим. Унга “фалончи ишга қабул қилинди” деган мазмунда сохта маълумотнома берардим. Бир ойдан сўнг эса “ўлик жонлар”ни “мунтазам ишга чиқмагани учун” деб бўшатардим. Икки ўртада солиқ тўлаганим қоларди. Коллеж директорларига ҳам осон эмасди. Катта ҳаёт оstonасига қадам қўяётган йигит-қизлар юз фoиз ишга жойлашмаса, улар қаттиқ жазоланар, ҳатто вазифасидан олиб ташланарди. Айни шу сабаб бундай нохуш ҳолат уша даврда деярли барча фермер хўжаликлари фаолиятида учрарди.

Ислохотларнинг сўнгги босқичида бу каби сохтагарчиликларга чек қўйилди. Энди эса...

Айрим урдабуррон раҳбарлар “сопини ўзидан чиқариш”, яъни “ўзини ўзи банд қилиш усули”ни ўйлаб топиб, юқорига сохта маълумотлар бериш орқали “ислохотлар фидойиси” бўлишга ҳаракат қилишни бошлашди чоғи!

Бу яроқсиз усул билан улар ишсиз фуқароларни “банд” эмас “банди” қилишяпти. Оқибатда ўша “банди”лик ўзларига қайтишини ўйлашмаяпти чоғи...

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

ЭҲТИРОМ

ЭЛГА СУЯНГАН ОДАМ

Ҳаётнинг тез оқар дарёга қиёсланиши бежизмас. Сув сатҳидаги осийшталик ортида шиддат билан оқиб ўтаётган тўлқинлар бўлгани каби, инсон умри ҳам вақт ўтиши билан амалга оширган ишлари, жамиятда тутган ўрни билан қадр топади. Шундай замондошларимиздан бири таниқли олим, техника фанлари доктори, “Мехнат шухрати” ордени соҳиби, “Навойи кон-металлургия комбинати” Инвестициялар департаменти бошлиғи **Неъмат Рўзиевдир**.

Билганим, Неъмат ака қаерда, қандай вазифада ишламасин, ҳеч қачон ўзгармади, элга суянган, одамлар орасида обрў-эътибор топди.

Яна бир қизиқ томони, у таваллуд топган Эски Яқкабоғ қишлоғи ўзининг бой тарихи ва гўзал табиати билан қанча доврқ тاراتган бўлса, машҳур олим ва зиёлиларга бешик бўлган гўша сифатида ҳам машҳур. Масалан, дунё тан олган академик Асқар Холмуродовни ким танимайди дейсиз? Ёки юзлаб ижодкорлар устози профессор Очил Тоғаевни-чи? Шунингдек, таниқли шоир, шарҳловчи Носир Муҳаммадлар номини эшитмаганлар орамизда кам бўлса керак. Бу мўъжазгина қишлоқдан етишиб чиққан яна бошқа олиму фан докторлари ҳақида ҳам самимий эътирофларни кўп эшитганимиз.



Энди Неъмат Рўзиевнинг меҳнат фаолиятига оид айрим эътиборга молик маълумотларни келтирамиз: 1977 йилда Тошкент политехника институтини имтиёзли диплом билан тугатган, бир муддат Самарқанд архитектура-қурилиш институтида ўқитувчи лавозимида ишлаб, сўнг Москва муҳандислик қурилиш институтининг аспирантурасида таҳсил олиб, техника фанлари номзоди диссертациясини ёқлаган. 1989-1992 йилларда Словения Республикаси (Югославия)да замонавий лойиҳалаш технологиялари ва конструкциялари бўйича малака оширган. Кейин давлат идорасида масъул вазифада ва 2002-2008 йилларда Олмалик кон-металлургия комбинатида капитал қурилиш соҳаси раҳбари ва комбинатнинг бош директори-бошқарув раиси лавозимида хизмат қилиб, модернизация, техник ва технологик жиҳозлаш каби йирик дастурларни амалга оширишда бош-қош бўлди, юзлаб шогирдлар тайёрлади.

2008 йилдан бери Неъмат ака Навоий кон-металлургия комбинатида нуфузли вазифада ҳалол хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз тараққиётида ўзига хос иқтисодий локомотив бўлиш ушбу номдор корхонада амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳаларини

ҳаётга кенг татбиқ этишда унинг ҳам беминнат ҳиссаси бор десак янглишмаймиз.

Бугун ибратли ва сермазмун умрининг етмишинчи довонидан ёруғ юз билан ҳатлаётган қаҳрамонимиз ҳар жабҳада фаол ва жонқуяр. Намунали оиласига ҳаммаининг ҳаваси келади. У фақатгина етук мутахассис ва тажрибали раҳбаргина эмас, балки маънавиятли, зиёли инсон сифатида жамоатчилик орасида ҳам ҳурмат қозонган. Унинг яна бир ажойиб ҳаёт тарзи борки, бу ҳаммамиз учун намуна бўла олади. Яъни ўтаётган умрининг ҳар бир лаҳзаси, кунидан унумли фойдаланишни одат қилган. Бекорчи вақти йўқ, ҳали у тадбирда маъруза ўқиётган, ҳали бошқа бир даврада ёшларга замонавий соҳалардан сабоқ бераётган бўлади. Янгидан янги ғоялар, фойдали ташаббуслари билан ёнидагиларни ҳам фаолликка қорлайди, илм ўрганиш, китоб мутлоа қилишга даъват қилади.

Ниятимиз, шундай заҳматкаш фидойилар қўпайсин, умр йўллари ҳамиша ойдин бўлсин!

Ғафур БАРАТОВ,
Ўзбекистон кино арбоблари
уюшмаси аъзоси, журналист

ВОДИЙ МАНЗИЛЛАРИ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Юртимизда халқ фаровонлигини таъминлаш ва одамларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш баробарида уларга кўрсатиладиган ижтимоий, маданий-маиший хизмат турлари сифатини ошириш йўлида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса туман ва шаҳар марказлари, шунингдек, қишлоқ ва маҳаллалар ободлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ.



Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, янгидан янги уй-йўл массивлари барпо этилаётганига гувоҳ бўласиз. Эътиборли жиҳати, барча қурилиш майдонларида таълим ҳамда ижтимоий соҳалар учун зарур инфратузилма яратилмоқда.

Президентимизнинг “2025-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Марғилон шаҳридаги Наврўз маҳалласида барпо этилаётган янги массивда 330 ўринли замонавий мактабгача таълим муассасаси қад ростлади.

Бу илм маскани “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” давлат муассасаси Фарғона вилояти бўлими буюртмасига кўра, “Шухратжон” хусусий корхонасининг 50 нафардан ортиқ заҳматкаш бинокорлари томонидан жуда қисқа муддатда бунёд этилмоқда. Қурилиш жараёнида сифатли ва энергия тежамкор маҳсулотлардан самарали фойдаланилмоқда.

Шунингдек, массив ҳудудида 990 ўринли умумтаълим мактаби ҳам қурилмоқда. Ушбу таълим даргоҳини белги-

ланган муддатда фойдаланишга топшириш учун зарур қурилиш материаллари, жиҳозлар ва конструкциялар марказлашган тартибда харид қилиниб, пудратчига етказиб берилмоқда.

Мазкур улкан ишнот тажрибали мутахассис Хуршид Ҳаноев раҳбарлик қилаётган “SHAMS-72 UNIVERSAL STROY” МЧЖ қурувчилари томонидан барпо этилмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг самарали ишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Шу кунларда Олтиариқ тумани Чинортаги маҳалласида жойлашган 5-умумтаълим мактабида ҳам реконструкция ишлари қизғин давом этмоқда. Бу ерда ўқувчилар учун қўшимча 420 ўринли замонавий ўқув биноси қуриляпти.

Ҳудудларда таълим ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бу каби амалий ишлар юртимизда янги авлод учун қулай шароит яратиш, аҳоли турмуш сифатини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган
Реклама ҳуқуқи асосида

ХАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

УСТОЗ ХУРШИД ДАВРОННИНГ “ВАТАН ЧЕГАРАСИ” НОМЛИ МАҚОЛАСИ ИЛК БОР 1990 ЙИЛДА “ЁШЛИК” ЖУРНАЛИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЭДИ. ОРАДАН 35 ЙИЛ ЎТГАН БЎЛСА-ДА, ЛЕКИН БУ УМИДБАХШ ФИКР-МУЛОҲАЗА, КУЗАТУВЛАР ҲАМОН ЭСКИРГАНИ ЙЎҚ, АКСИНЧА, УЛАРНИ ҚАЙТА-ҚАЙТА МУТОЛАА ҚИЛАР ЭКАНМИЗ, ҚАЛБИМИЗНИ ЖУНБУШГА КЕЛТИРАДИГАН, ЮРАКНИ ҲАЙРАТУ ҲАЯЖОНГА СОЛАДИГАН УЛКАН САМИМИЯТ, ҲАР БИР СЎЗДАГИ ЮКСАК МАЪНАВИЙ ЮК ВА ВАТАНГА БЎЛГАН СЕВГИ, МЕХР-МУҲАББАТ ЯНАДА ЁРҚИН ТУЮЛАДИ.

ВАТАН ҲАҚИДАГИ ТУЙҒУЛАР, ҚАРАШЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН ЭСКИРМАЙДИ. ЧУНКИ ВАТАННИНГ ЎЗИ АБАДИЙ БИР ҲИС. У ФАҚАТ ХАРИТАДАГИ ЧЕГАРА ЭМАС, БАЛКИ ҚАЛБДАГИ МУҚАДДАС БОЙЛИК, ИНСОННИНГ ЎЗЛИГИ, ТИЛИ, ЁДИ, ТАРИХИДИР.

БИЗ БУ БИЛАН УШБУ МАҚОЛАНИ ФАҚАТ ҚАЙД ЭТИШНИ ЭМАС, ҚАЙТА ҲИС ЭТИШНИ ИСТАДИК. ЧУНКИ БУГУН ҲАМ, ЭРТАГА ҲАМ ВАТАН ИШҚИ – ЭЪТИҚОД, СЕВГИ ВА МАЪНАВИЯТ ТИМСОЛИ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ.



Хуршид ДАВРОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Ватан чегараси

Эрамиздан олдин яшаган юнон адиби Лукианнинг “Ватан шаънига” номли асарида шундай сўзлар бор: “Менинг бу гапларим ғоят эски гаплардир. Лекин ҳақиқат шундаки, ўз отасини севмаган фарзанд ўзганинг отасини ҳам ҳурмат қила олмайди, ўз Ватанин севмаган киши ўзгалар Ватанини ҳам қадрлай билмайди”. Икки минг йилдан ортиқроқ вақт ўтган бўлса ҳам Лукиан учун жуда эски бўлиб туюлган бу гаплар нақадар замонавий жаранглапти.

Ватан деганда нимани англаш керак?

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га биноан, “Ватан — 1) Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг граждани ҳисоблаган мамлакат, она юрт; 2) Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрт, диёр; 3) Турар-жой, бошпана, макон, уй”.

Абдулла Авлоний эса “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида бу ҳақда шундай ёзади: “Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатни шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилгон, ўскон ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу Ватан ҳисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан — ўз уюридан айрилса ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас. Майшати талх бўлиб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз Ватанининг муҳаббати турар.

Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиғ чўлларини, эскимўлар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб, ҳижрат қилурлар эди.

Боболаримиз: “Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл,” демишлар”.

Буюк мутафаккиримизнинг фикрича, биз туғилган юртимиздан узоқ кетсак, бизни “тортиб келатирган қувват ўз ватанимизнинг, она тупроқнинг меҳру муҳаббатидур”.

Биз “Ватан” сўзини не-не сўзларга қўшиб, не-не қадриятларга ном топамиз: Ватан тупроғи, Ватан адабиёти, Ватан туйғуси, Ватан тарихи...

Ҳижратда Ватани соғинсак, кўз ўнгимизга харитада сарҳадлар билан белгиланган маълум жуғрофий макон эмас, албатта уйимиз ёнида ўсиб турган олча дарахти, шу дарахт ёнида жилдираб оқувчи лойқа ариқча ёки қишлоқ четидаги, бир замонлар, болалик фасларида биз варрак учирган қадимий кўрғонлар харобаси – улкан тепаликлар, оналаримизнинг мунгли кўзлари, фарзандларимизнинг кулгули қилмишлари ёдга тушади.

Жуда кўплар ўша жуғрофий харитадаги маконни, унинг байроғио гербини, давлат идораларини ватан деб англайдилар. Улар паспортларига босилган муҳрга биноан ўзларини муайян Ватан фуқароси деб билдилар. Улар қаерда яхши яшаш учун кулай шароит бўлса ўша ерни ватан қиладилар. Асл

ватанпарвар эса ўз халқи билан, Ватан тупроғи, бу тупроқдаги ҳар бир чечак билан уйғунлашган маънавиятли одамдир.

Ватан деганда фақат ўзи туғилган шаҳар-қишлоғини, улар атрофидаги қадимий боғларни, дилга яқин далаларнигина назарда тутмай, шу билан бирга, чеки йўқ пахтазорларда қора меҳнатдан умри хазон бўлган болалар, зах ва дим хоналарда сарғайиб, чанг босиб ётган қўлёмалар, йўл тополмай ўт ичига кираётган аёллар, қуриётган денгиз, булғанаётган дарёлар қисмати туйфайли дилда оғриқ, юзда уят совуғини туйган одамгина ватанпарвардир.

Ватанни, унда яшаш қулай ва бозорларида арзончилик бўлгани учун танламайдилар. Ватан бизни танлайди. Ватан муҳаббатига етишиш осон эмас. Бунинг учун кучли қалб эгаси бўлмоқ керак. Кучли одамгина Ватанни сева олади, ожизлар эса ҳамиша севилиш истагида бўладилар.

Ибн Арабий “ҳар бир инсон ўз яратганини севади” деган экан. Нақадар ҳаққоний сўзлар. Биз банди ожизлар бу ҳикматни “Сен севган одам сени яратади” деб тушунишимиз ҳам мумкин. Агар шундай тушунсак, демек Ватан ишқи бизни яратади, тилимизни, дилимизни яратади. Муҳаббат ҳеч қачон зулм, ёвузлик, жаҳолат маҳсули бўлган эмас. Жаҳолат ҳукмрон бўлган қалб ҳамиша таназулга юз тади.

Ватан деганда нимани англаш керак?

Она тупроқ Ватанми? Ҳижратда жон бераётган мусофир кўксига неча йиллар давомида яшириб юрган дил тўтиёси — бир ҳовуч тупроқни боши остига қўйишни васият қилади. Ўлжас Сулаймоновнинг шеъри эсингиздами? Оддий тупроқмикан Ватан тупроғи? Қанча қону қанча қора тер, қанча кўз ёшу қанча она сути тўкилган бу тупроққа. Кўзимизни осмондан узмай яшаймиз-у, вужудимиз шу тупроқники... Бу тупроқ боболару момоларимизнинг муқаддас хоки. Умри иморат тиклаш, паҳса уриш билан ўтган кекса усталаримиз албатта лой қорши олдида хоки туробга айланган аждодлар руҳини ёдлаб, улардан ё изн, ё кечирим сўрагандек муқаддас китобдан оятлар ўқийдилар.

Тилимиз ҳам Ватанимиздир. Ахир юрт тупроғидаги ҳар бир гулнинг, ҳар бир майсанинг, ҳар бир оғочнинг, ҳар бир паррандаю даррананинг, ҳар тоғу боғнинг номи бор – номни тилга олар эканмиз, улар “ярқ” этиб бутун залвори билан кўзимиз ўнгиди гавдаланадилар. Галаговур бегона шаҳар кўчаларида тўсатдан она тилимизда гапирган одамни учратсак, дилимиз орзиқиб кетади, уни тўхтатиб суҳбатлашгимиз келади. Шоирлар шеъридаги юртимиз мадҳи дилларимизда меҳр уйғотади.

Умримизнинг ҳар бир лаҳзаси Ватанга бўлган муносабат билан белгиланади. Ватан — умримизнинг мазмуни, мақсадимиз ғояси. Лосось деган ба-

лиқ бор. У умрининг сўнгиди неча-неча денгизу дарёларни ошиб, тошлар устидан ҳатлаб, қачонлардир ўзи кўз очган кичик ва тинч ўзанга қайтаркан. Ҳар баҳорда уйингиз пештоқида ин қурган кушларни кўрасиз. Улар уйингизни адашмай топиб келадилар. Инсон тафаккури ҳам йиллару қуфатлар оша ўзининг ибтидоси — Ватанга қараб интилади. Бу интилиш абадийдир...

Давлат чегарасидан ўтаётган поезд хонасида ўтирган одам деразадан ташқарига қанчалик зийрак боқмасин, давлат чегараси устунини кўрмагунча, чегарадан қачон ўтганини билиши қийин. Зеро атрофдаги далалар бир-бирига уланиб кетган, бу далалардаги чечаклар, оғочлар бир хил бўёқда гуркираб яшнайдилар, кузда бир хил хазон тўқадилар, қишда бир тарзда қорга кўмилиб ётадилар.

Шунинг учун ҳам Ватаннинг табиий чегараси ҳеч қачон унинг асл чегараси бўлолмайди. Ватаннинг асл чегарасини унинг даҳо фарзандларининг умри, ижоди ва жасорати белгилайди. Ҳар бир даҳо ўз истеъдодининг қудрати, ўз маънавиятининг юксаклиги билан Ватан чегараларини кенгайтириб боради. Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Фаробий, Улуғбек, Навоий, Маҳмуд ибн Вали, Исмоил Бухорий даҳоси Ватан чегараларини шу қадар юксакликка олиб чиқдиларки, баъзан жонимизни ҳовучлаб, ўйга толганимизда, бошимиз боболаримиз юлдузларига тегиб кетаркан, бу олий юксаклиқни бир қарич ҳам кўтаролмаганимизни ўйлаб, бизни муздек тер босади.

Ватан чегараларини унда яшаётган халқ санъатининг даражаси, адабиётининг қудрати белгилайди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўҳна Урганч, Шаҳрисабз, Туркистон, Кўқон, “Девон-ул луғатит-турк”, “Алпомиш”. “Кунтуғмиш”, “Ўтган кунлар” юртимиз сарҳадларини шу қадар кенгайтирдиларки, биз — уларнинг ношуд фарзандлари ханузгача бу бепоёнлигу кенгликлар аро довдираб, адашиб юрибмиз.

Ватан чегарасини фарзандлар тилаклари, орзу-интилишлари кенгайтиради. Шоҳ Бобур ўз диёрига сифмай бегона ерларда бир салтанат туздиким, унинг чегаралари шаксиз ва чексиз эди. Бироқ, шоир Бобур ўз қалби сарҳадларини шу қадар кенгайтирдик, юракка сиққан бу диёр жаҳонга сифмайди. Шоҳ Бобур салтанати асрлар ўтиб, замонлар бўҳронларига дош беролмади, шоир Бобур диёри эса барқарор қолди. Шу боисдан унинг душманлари шоир Бобурни ёнига куч қувватлари етмаслигини, фитналари даҳо олдиди ожиз бўлишини билиб, шоҳ Бобурга ёпишадилар. Улар даҳо шоирнинг асрлар шердек ғажиган этакларини итдек ғажийдилар. Улар билмайдиларки, этак бўм-бўш, рух эса юксакда — сарҳади йўқ коинотда учиб юрибди.

Ватан сарҳадини унинг ман-ман деб, тарих йўлларидан чанг кўтариб ўтган, “урхо-урхо”ю қарсақлар кўниккан, ўз халқини алдаб, кўкрагига нишонларни маржон қилиб таққанлар эмас, юрагида эътиқод туйғуси уйғоқ фарзандлар кенгайтирадилар. Ватан чегараларини Тумарис, Широк, Нажмиддин Кубро, Спитамен, Темурмалик, Но-

моз, Қурбонжон она, Бобон ботир кўксига яшаётган, аламдек безовта, муҳаббатдек абадиёт мезони бўлмиш эътиқод кенгайтиради. Бу эътиқод номи — озодлиқ!

Ватан чегараларини унинг тили, бу тилнинг равнақи кенгайтиради. Она тили ўрнини боса олгучи иккинчи тил йўқ бу жаҳонда! Ўз она тилини унутган ўзбек бор экан, у ҳеч қачон ўзбек эмас, ўзбек бўлолмайди ҳам. Чунки у бу тилда куйолмайди, ўйолмайди, илло, севолмайди. Ҳар бир одам “Она тилим — улуг тилим!” деб ҳайқирши ҳуқуқига эга.

Ватан чегарасини унинг тарихи, унинг маданий мероси белгилайди. Ўтмиш бугунни яратади, тарихдаги ҳар бир ижтимоий юксалиш жамиятнинг ўз меросига, ўз ўтмишига бўлган муносабатини ислоҳ қилишдан бошланган. Ўтмишга бўлган ҳар қандай ижобий муурожаат эса ҳамиша инкилобий ўзгаришларга замин тайёрлаган, ўтмиш ақидалари бугун учун хизмат қилган. Бироқ, ўтмишга муурожаат қилишдан аввал унга бўлган муносабатни ҳалол, тўғри йўлга солиш керак.

Минг афсуским, бугун ўтмишни қайтадан яратмоқчи бўлганлар, даҳоларни тарозига ўтқазиб, бозорга солаётган кимсалар ҳам биз билан ёнма ён, ҳамнафас яшамоқда. Соат милларини орқага бурган билан Ватан тарихини қайтариб ёки тўхта-тиб бўлармикан, сарҳади йўқ фалақда учиб юрган буюкларнинг руҳларини ўқ узган билан ўлдириб бўлармикан?

Ватан душманлари, ўтмиш ағёрлари юрт сарҳадларини кенгайтирадиган одамлардан кўрқадилар. Шунинг учун умри ва даҳоси Ватан сарҳадининг устунларига айланган халқ фарзандларига, Алпомиш, Навоий, Бобур, Қодирий, Бехбудий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Файзулла Хўжаев, Иброҳим Мўминов кабиларга ҳужум қиладилар, уларнинг руҳини таъқиб қиладилар.

Аммо халқ уларни — ўз болаларини кўксига яширади: душманлар Чўлпон шеърларини гулҳанда ёқадилар, билмайдиларки, бу шеърлар аллақачонлар халқ кўксига Ўрхун-Энасой тошларига битилган битиклардек абадиян муҳрланган. Бу кўкракларни очадиган калит — эътиқод, бу эътиқод — Ватан ишқи, Ватан озодлиғи!

Ватан кўйинида яшаётган ҳар бир инсон ўз муҳабати билан Ватан сарҳадларини кенгайтиради. Муҳаббатсиз юракка Ватан сифмайди. Ҳар бир гўдак, ҳар бир қария ўз дарди билан Ватанни бепоён этади. Дардсиз юракка Ватан сифмайди. Ватан дарди, Ватан муҳаббати яшаган юраккина инсониятни севади, инсоният учун куйинади. Ўз юртини, ўз халқини севмаган, ўз она тилини алқамаган одам ҳеч қачон бошқа тилни, ўзга элни севолмайди, бегона тупроққа ҳам меҳр қўёлмайди.

Манба: “Ёшлик” журнали, 1990 йил 1-сон